

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКАНИНГ ЮҚОРИ САМАРАСИ

Бу йилги терим мавсумида вилоятимизнинг Чиноз тумани пахтакорлари АҚШнинг "John Deere" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 10 та юқори унумли комбайнлардан фойдаланишмоқда.

Хирмонга барака!

"TTG" текстиль компаниясининг кластерига қарашли пахта далаларида юксак имкониятларини намоён этаётган замонавий техника юқори самарали эканлигини исботламоқда. Бу йилги мавсумда 55 гектар майдонда иқлим шароитимизга мос, ҳосилдор "С-65-24" пахта нави етиштирилди.

Юқори натижаларга эришиш мақсадида ҳосил терими тўла-тўқис механизациялаштирилди. Яъни, бу теримчиларга ҳеч қандай эҳтиёж бўлмай, ҳосил йўқотишларсиз давлат хирмонига етказиб берилади, деганидир.

– Тўртта эгатга мўлжалланган комбайн кунига 40-

45 тонна "оқ олтин"ни йиғиштириб олиш қувватига эга, – дейди комбайн ҳайдовчиси Улуғбек Абдухолиқов. – Тасаввур қилинг, 3,5 тонна ҳосилга мўлжалланган бункер атиги 45 дақиқада тўлмоқда ва махсус тиркамаларда пешма-пеш хирмонга етказиб берилмоқда.

Давоми 2-бетда →



Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар

Кеча Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис кун тартибидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибинини тасдиқлаш ҳамда "Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлуги"ни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари ўрин олди.

ТАРҒИБОТ ОЙЛИГИ БОШЛАНАДИ



Сайлов кодексининг 21-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан, маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси эса тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва олти-саккиз нафар комиссия аъзосидан иборат таркибда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ва Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари аъзоллигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Давоми 2-бетда →

21 октябрь – Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун ТИЛНИНГ ҚУВВАТИ – ЭЛНИНГ ҚУДРАТИ



2

Ҳамкорлик

Гемодиализ маркази ишга тушди

Зангиота тумани тиббиёт бирлашмасида ҳиндистонлик инвесторлар ташаббуси билан умумий қиймати 350 минг АҚШ долларини ташкил этувчи лойиҳа асосида Гемодиализ маркази ишга тушди.

Муассаса бир кунда 40 нафар беморни қабул қилиш қувватига эга.

Тантанали очилиш маросимида Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавкуллода мухтор элчиси Сантош Жҳа, ҳиндистонлик ва ўзбекистонлик шифокорлар иштирок этишди.



08.11

Ветеринария хизматлари кўрсатилади

Вилоятимизда хорижий инвестиция иштирокидаги қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди. Куйичирчиқ тумани Давлат хизматлари марказида Россия Федерациясининг "АГРОВЕТ" акциядорлик жамияти ва Ўзбекистоннинг "INTER VET" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда "BIOFARMTECH" қўшма корхонаси давлат рўйхатидан ўтказилди.

Устав фонди 400 миллион сўмни ташкил этадиган мазкур корхонада ветеринария соҳасида дори воситалари, кишлоқ хўжалигида ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича ишлатиладиган экологик жиҳатдан хавфсиз, биологик актив қўшимча воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Аҳоли ва фермер хўжалиқларига ветеринария хизматлари кўрсатилади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

ИЛК МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА

"Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" доирасида Оҳангарон шаҳрида ҳам кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жо-

рий йилда ҳудудда 681,1 млрд. сўм қийматдаги 22 та лойиҳа ишга туширилиши белгиланган бўлиб, ўтган даврда 7 та лойиҳа амалга оширилди, 400 дан ортиқ маҳаллий аҳолининг бандлиги таъминланди.

Хушхабар

Яқинда ҳаётбахш ислохотларнинг самараси сифатида саноат ҳудудида яна бир корхона – "AGRO SAMMIX" МЧЖ ўз фаолиятини бошлади. Қисқа фурсатда қад ростлаган саноат объектида 87 млрд. сўм миқдоридagi инвестиция киритилиши ҳисобидан премикс (бойитилган омукта ем) ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва бу ерда 30 нафар аҳолининг доимий бандлиги таъминланди.

Корхонанинг очилиш маросимида ҳокимлик вакиллари, хорижий инвесторлар, тадбиркор ва ишбилармонлар иштирок этишди. Жараёнда Германиянинг "Kaesler" фирмаси билан ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамловчи битим ҳам имзоланди.

Корхона Голландиянинг

энг сўнгги русумдаги, энергия тежамкор асбоб-ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, унинг ишга туширилиши ўз навбатида Республикада олиб кирилатган премикс маҳсулотларининг 30 фоизини маҳаллийлашти-



риш имконини беради. Қувонарли томони шундаки, корхона ҳали тўлиқ ишга тушишга улгурмасиданоқ илк маҳсулотини Тожикистон Республикасига экспорт қилишга муваффақ бўлди.

Оҳангарон шаҳар
ҳокимлиги
Ахборот хизмати

Давлат дастури – амалда

Бугунги кунда бутун дунёда ёқилғи-энергетика ресурслари захиралари камайиб бораётган бир пайтда улардан оқилона фойдаланиш ўта муҳим. Мамлакатимизда 2018 йилда 60 миллиард кВт. соатдан кўпроқ электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, унинг 87 фоиздан зиёдроғи иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келади. Бундай миқдорда электр энергиясини ишлаб чиқариш учун жуда кўп ёқилғи – асосан табиий газ сарфланади. Бугун фойдаланилаётган электр энергиясининг бор-йўғи 10-12 фоизинигина гидроэлектр станциялар ишлаб чиқаради, холос.

Шу рақамларнинг ўзи ҳам электр энергиясини тежаш қанчалик муҳим эканини кўрсатади. Англаганингиздек, электр энергияни табиий йўл билан, яъни, дарё ва каналларда ўрнатилган ГЭСлар ёрдамида олиш анча арзонга тушади.

Президентимизнинг "2017-2021 йиллар учун Гидроэнергетикани ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори соҳадаги муаммонинг айнан шу жиҳатларига ургۇ беради. Қарорга кўра, мазкур йилларда Гидроэнергетикани ривожлантириш бўйича чора-

ЭНЕРГОТЕЖАМКОРЛИК ҲАР БИРИМИЗ УЧУН МУҲИМ

тадбирлар дастури тасдиқланди. Ўзбекистонда бу йилларда, 19 та янги гидроэлектр станциялар қуриш ва 32 та амал қилаётган ГЭСларни замонавийлаштириш режалаштирилди.

4



Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияларининг аъзолари Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг таъсисига биноан тасдиқланади. Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияларининг аъзолари



фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг таъсисига биноан тасдиқланади.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида 2019 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти даражасини янада юксалтириш мақсадида тарғибот ойли-

Бошланғич 1-бетда

гини тўғри ташкил этиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Таъкидланганидек, аҳолининг кенг қатламлари, хусусан, хотин-қизлар, ёшлар, айниқса, биринчи марта овоз берадиган фуқаролар, нурунийлар, имконияти чекланган шахслар, ҳарбий хизматчилар, меҳнат жамоалари, қамқода сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида

етказиш, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда сайлов комиссияларининг роли ҳақида хабардор этиш, аҳолининг ўз конституциявий ҳуқуқларидан тўғри фойдаланиб, сайловларда фаол иштирок этишига ва дахлдорлик туйғусини кучайтиришга эътибор қаратилади.

Шунингдек, Вилоят, туман ва шаҳар сайлов ко-

публикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуруний" жамғармаси билан биргаликда "Мен шахсан ўзим овоз бераман!" мавзуларида турқум тарғибот тадбирлари ўтказилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва-

ТАРҒИБОТ ОЙЛИГИ БОШЛАНАДИ

сақланаётган шахслар ўртасида, уларнинг сайлов жараёнида фаоллигини ошириш, сиёсий билим даражасини юксалтиришга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида 2019 йилнинг 15 октябридан 15 ноябргача Ўзбекистон Республикасида "Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги" ўтказилади.

Тарғибот ва ташвиқот ойлигида сайловчиларнинг ҳуқуқий билиминини янада юксалтириш ва сайлов маданиятини ошириш, Сайлов кодексининг мазмун-моҳиятини аҳолига

миссиялари аъзолари, адлия органларининг мутахассислари билан биргаликда маҳаллалар, корхоналар, таълим муассасаларида сайловчилар билан "Сайлов қонунчилигидаги янгиликлар" мавзуида учрашувлар ўтказиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумтаълим муассасаларининг ўқувчилари ўртасида "Мен ҳам келажақда овоз бераман!" мавзуида иншоолар ва расмлар танловлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан "Менинг овозим – Ватаним келажаги", Ўзбекистон Рес-

спубликаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуруний" жамғармаси билан биргаликда "Мен шахсан ўзим овоз бераман!" мавзуларида турқум тарғибот тадбирлари ўтказилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва-

Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати

Хирмонга барака!

Бу йилги мавсумда гектаридан камиди 30 центнердан ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Тан олиш керакки, "John Deere" компаниясининг замонавий машиналари нафақат юқори самарали, балки ўта ишончли ҳамдир. Боз устига, компания мутахассислари комбайнларга сифатли сервис хизмати кўрсатишга доимо шай.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКАНИНГ ЮҚОРИ САМАРАСИ

"TTG" текстиль компанияси мисолига таяниб, мамлакатимизда кластер тизими ўзини оқлади десак, сира муболаға бўлмайди. Бунинг сабаби шундаки, битта корхонанинг ўзи ҳосилни етиштириш, қайта ишлаш ва маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Кластерга қарашли даладарда йғим-терим қизгин давом этмоқда. Пахта терувчи комбайнлар эрта тонгдан то кун ботгунга қадар беватон ишламоқда. Ҳали даладарда ҳосил мўл. Ишончимиз комилки, мазкур замонавий комбайнлар йғим-терим жараёнини тезлаштиришга, иш самарасини янада оширишга хизмат қилиб, вақт ва маблағни тежашга имкон беради.

Ўз мухбиримиз

Яхши хабар

«КўРПАСОЙ»ДА «БОЛАЛАР КУЛГУСИ»

Олмаликнинг "Кўрпасой" маҳалласида "Болалар кулгуси" номли нодавлат таълим масканининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур муассаса 50 ўринга мўлжалланган бўлиб, тадбиркор Шўхратжон Абдуллаев ҳамда 38-МТМ мудираси Гулноза Абдуназарова ҳамкорлигида бунёд этилди. 1 дан 3 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган боғча-нинг қурилиш ишлари 200 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлан-ди.

ПАХТАКОРНИНГ ҚИЗГИН КУНЛАРИ

Оққўрғон тумани, Гулистон мас-сивидаги "Уста пахтакор Абдували" фермер хўжалиги раҳбари Бунёд Абдувалиев биринчи сектор пахтакорлари орасида давлат омборига 121,4 тонна пахта этказиб бериб, пешқадамлардан бўлди.

Унинг ўн йилдан буён меҳнат қилиб ортирган тажрибалари қўли келиб, давлатга пилла, ғалла ва пахта етказиб бериш шартнома режаларини ортиги билан бажариб келмоқда.

Бу йил ҳам хўжалик механизаторлари Абсали Абдуқосимов ва Валижон Қўшнаев, сувчи-



лар Абдумуса Худобоев, Нишонбой Улугов, Камол Жумаев ва йишчилар Анорхон Туропова, Анор Худобоева, Зухра Қўшнаева ва Гулбаҳор Сапаралиевалар астойдил меҳнат қилиб, мўл пахта ҳосили етиштиришга муваффақ бўлишди.

– "Турон" нави кам сув талаб қилиб, унча-мунча

касаликка чалинмайди, – дейди Бунёд Абдувалиев. – Лекин, қандай нав экилса ҳам, яхши қарал-маса мўлжалдаги ҳосилни олиб бўлмайди. Механизаторларимиз ғўза қатор оралари-га беш марта-лаб ишлов бериш-

ди, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклан-тиришди. Мироблари-миз ғўзани шарбат сувига қондириб, ҳосилга-ҳосил қўшишга муваффақ бўлишди.

Фермер хўжалиги дала-сида ҳали ҳосил мўл. Қўлаб теримчилар фаол қатнашиб, қўшимча да-ромад олишапти.

Пардобой ЭРГАШЕВ

Инсон манфаатлари йўлида

Хабарингиз бор, Президентимиз жорий йилнинг 1-3 июнь кунлари вилоятимизга ташриф буюрган эди. Мазкур ташрифда қўлаб соҳалар

Жараён

Сўнгги йилларда вилоятимиз улкан ислохотлар марказига айланди. Қурилиш соҳасини оласизми ёки қишлоқ хўжалиги, ё бўлмаса спорт, соғлиқни сақлаш, таълим, туризм, инвестицион муҳит, тадбиркорлик каби барча жабҳаларда янгиликлар жараёни кечмоқда.



қатори ижтимоий ва коммунал соҳаларга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласи шулар жумласидандир.

"Вилоятда аҳолининг 64 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминлангани жиддий муаммо. Амалда бу кўрсаткич 40-50 фоиз даражасида. Бўка, Куйичирчик, Ўртачирчик, Юқоричирчик туманлари ва Нурафшон шаҳрида 30 фоизга ҳам бормайди. Сизлар кабинет-да қандай ўтирасизлар?" деган эди давлатимиз раҳбари.

Мазкур муаммони ҳал этиш мақ-

садида жорий йилда 440 километр ичимлик суви тармоқлари ва 301 та сув иншоотида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиши режалаштирилган. Осиё тараққиёт банки иш-тироқидаги қиймати 144 миллион долларлик лойиҳанинг биринчи бос-

Бошланғич 1-бетда

Хеч бир иш режасиз амалга оширилмайди. Бирор амал бажарилишдан олдин у ҳақда, албатта, фикр юритилади, лойиҳа-си ишлаб чиқилади, шунингдек, тартиб-қоида-си белгиланади. Мана шу тартиб-қоида-нинг муаммал ва барқарорлиги амалиётнинг самарадорлигини таъминлайди.

Собик Иттифоқ империяси ҳали тарқаб кетмаган даврдаёқ Ўзбекистон – 1989 йилнинг 21 октябры куни ўзбек тилига давлат тили мақомини берди. 1995 йилнинг 21 декабрь куни эса "Давлат тили ҳақида"ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди. Қонун – 24 моддадан иборат. Унга қўра, "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир" (1-модда).

Қонуннинг бу моддасига шак-шубҳа йўқ. Аммо, айрим моддаларни амалга ошириш йўлида нималар қиляпмиз, деган саволга жавоб тополмаслигимиз мумкин. Масалан, Қонуннинг 7-моддасида қуйидагича ёзилган: "Давлат тили расмий амал қилдиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилади..." Бу – илк жумласи.

Гарчи қонунда қатъий белгилар қўйилган бўлса-да, аммо дарсликлар, бадиий адабиётлар, оммавий ахборот воситаларида имловий, ишоравий, ҳатто услубий хатоликларга йўл қўйиладики, бунинг учун ҳеч қандай жавоб бериб ўтирмайди. Мисол учун, Жорж Оруелнинг "1984" номли китоби юзлаб имловий хатоликлар билан нашр этилди. Бир қатор шикоятлар келиб тушганидан кейин, китобнинг ичига хатолар иловаси қилинган ҳолда сотувга чиқарилди. Нима бўлганда ҳам, ҳал-қимизнинг саводига катта эҳти-бол билан салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган асарни деб ҳеч қандай жавобгар қилинмагани аниқ.

7-модданинг кейинги жумласида эса шундай ёзилган: "Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди, шу жумладан, унга ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлайди". Аммо ҳоржий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларимиз ривожланиб бора-ган сари тилимизга ёт сўзларнинг кириб келиши низога қўлайиб бормоқда.

Ижтимоий тармоқлардаги маълумотларга қараганда, Хитойда шундай қонун бор экан: мамла-катга олиб кириладиган ҳар қан-

дай маҳсулот, лойиҳа ва бошқа турдаги импорт товарлари ата-машунослик қўмитаси томонидан хитой тилидаги муқобили толиб берилмагунча, ичкарига киритил-масмиш. Бир замонлар бизда ҳам ата-машунослик қўмитаси мавжуд эди. Унинг фаолияти жой-номлари, корхона ва бошқа ҳар қандай ном қўйилиши керак бўлган муассасаларни қайси-дир сўз билан аташни белгилаб бе-риш бўлган.

Бугунги кунда "Paynet", "Click", "Банкомат" ва бошқа шу каби маиший хизмат кўрсатиш тар-моқларининг бизга ёт сўзлар билан аталиши ата-машунослик қўмитасига эҳтиёжимиз борлиги-

сида"ги Қонунни янги тахрирда қабул қилишга ҳам эҳтиёжимиз йўқ эмас.

2018 йилнинг октябры ойида Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг айрим зиёлилари "Ўзбекистон" телеканалининг "Муносабат" кўрсатувиди "Реклама тўғрисида"ги Қонунни янги тахрирда қабул қилиш та-клифи билан чиққан эдилар.

Давлатимиз раҳбарининг жор-ий йилнинг 5 октябры кундаги "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йил-лигини кенг нишонлаш тўғриси-да"ги Қарориди белгилангани-дек, "Ўзбек тили тараққиёти ва

ТИЛНИНГ ҚУВВАТИ – ЭЛНИНГ ҚУДРАТИ

ни яққол кўрсатиб туради.

Бундан ташқари, қўчалардаги эълонлар, реклама ва бошқа ҳар қандай ёзувларни тартибга солиш бўйича аниқ бир дастур бел-гиллаш керак. Ўзбекистон Респу-бликасининг "Реклама тўғрисида"-ги Қонунининг 5-моддасига би-ноан "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ёки реклама берувчининг хо-ҳишига қўра бошқа тилларда тарқатилади. Белгиланган тар-тибда рўйхатга олинган товар белгилари (хизмат кўрсатиш бел-гилари), босма усулда терилган бўғинли белгилар (логотиплар) асли қайси тилда бўлса, шу тил-да келтирилиши мумкин". Биз-нингча, қонундаги ушбу модда "Давлат тили ҳақида"ги Қонун-нинг айрим моддаларига муво-фиқ келмайди. Олий Комиссимиз-нинг 16-моддасида "Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституцияга нор-малари ва қоидаларига зид ке-лиши мумкин эмас," деб белги-ланган. Модомики, Конституция-да "Ўзбекистон Республикаси-нинг давлат тили – ўзбек тили-дир" дейилган, шунингдек, "Дав-лат тили ҳақида"ги Қонуннинг 20-моддасида "Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазма-ли ҳамда оғзаки ахборот матн-лари давлат тилида расмийлаш-тирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржи-маси берилиши мумкин", деб ёзил-ган экан. Демак, "Реклама тўғри-



халқаро ҳамкорлик масалалари" мавзюида халқаро илмий-амалий конференция ҳамда "Ўзбек тил-шунослигининг долзарб масала-лари" мавзюида республика кон-ференцияси ўтказилса, унда зи-ёлиларимиз юқорида айтиб ўтил-ган муаммоларни ҳам баён эта-дилар, деган умиддамиз.

Мақолага шу ерда нукта қўй-сам ҳам бўлар эди. Аммо, Мухаммад Раҳимхон II – шоир Феруз замо-нига доир бир фармони олий-даги мана бу жумлалар эътибо-римизни тортди, сўнгги сўз ўрнида келтирмоқчи лозим топ-дик: "Бизким Хоразм мамлака-тининг олий ҳоқони Мухаммад Раҳимхон Соний қуйидаги фар-мони олийга имзо чектик.

Хоразм мақомлари халқнинг дахлсиз мулки деб эълон қилин-син. Ушбу фармони олийга шак келтирган ва муаммоларни кам-ситган ёки уни бузиб ихро эт-ган кимсалар қаттиқ жазолан-син..."

Шоҳрўз УМАРЖОНОВ,
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси

Бундан ташқари, вилоятда ташқи савдо айланиши ҳам сезиларли равишда ошган. Жумладан, 2019 йил январь-июнь ойлари бўйича бу кўрсаткич 2249,4 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 139,2 фоизга ўсди.

Саноат салоҳияти янада ривожланади

Пойтахт вилоятда кимё, нефть ва қора рангли металлургия, электротехника, машинасозлик ва металл-ни қайта ишлаш каби саноат тар-моқлари самарали фаолият юрит-моқда. Рақамларга эътибор қарата-

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ

қичи доирасида қурилиш иш-лари бошланган. Бу ишлар ўзининг ижобий натижасини бера бошлади.

Биргина Оққўрғон тумани, "Ҳамзаобод" маҳалласининг "Ҳамзаобод" маҳалласининг 64 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминлангани жиддий муаммо. Амалда бу кўрсаткич 40-50 фоиз даражасида. Бўка, Куйичирчик, Ўртачирчик, Юқоричирчик туманлари ва Нурафшон шаҳрида 30 фоизга ҳам бормайди. Сизлар кабинет-да қандай ўтирасизлар?" деган эди давлатимиз раҳбари.

Мазкур муаммони ҳал этиш мақ-

лар, қишлоқ оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари замон талаби даражасига келтирилмоқда. Ҳозирда барча туман ва шаҳар тиб-биёт муассасаларида реконструк-ция ишлари олиб борилаёпти. На-фақат марказ, балки чекка ҳудуд-лардаги шифо масканларига таж-рибали ва малакали шифокорлар жалб этилмоқда. Яна бир муҳим янгилик, соҳага инновацион лойи-ҳалар кириб келмоқда. Бунинг ол-ма-лиқ шаҳар 2-сонли оилавий ва Пис-кент тумани кўп тармоқли марказий поликлиникалари "Электрон поли-клиника"га айлантирилаётгани ми-солида ҳам кўриш мумкин.

Иқтисод ва истиқбол

Вилоятда кичик бизнес ва ху-су-сий тадбиркорлик ҳам жадаллик билан ўсиб бормоқда. Жумладан, ўтган ярим йил давомида вилоятда 5 минг 413 та янги корхона ва та-ш-килот ишга тушди. Натижада, мана шундай тузилмалар сони 35 минг-тадан ошиб кетди. Жорий йил 1 июль ҳолатига 29 минг 550 та тижо-рат корхонаси фаолият кўрсатаёт-ган бўлса, шундан 29 минг 284 таси ёки 99,1 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳисобланади.

диган бўлсак, жорий йилнинг 6 ойи давомида ҳудуддаги корхоналар томонидан 24,7 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бу ўтган йилнинг тегишли даврига нис-батан саноат ишлаб чиқариш индек-си 110,1 фоизни ташкил этганини билдиради. Бироқ, эришилган ютуқ-лар билан бирга, қилинадиган иш-лар ҳам талайгина. Мавжуд камчи-ликларни бартараф этиш ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Жорий йилнинг 26 июнь куни Президентимиз раислигида ҳудуд-ларда саноатни ривожлантириш, бўш турган бино ва ерларда янги лойиҳаларни амалга ошириш маса-лаларига бағишланган видеоселек-тор йиғилиши ўтказилди. Унда Тош-кент вилоятидаги мавжуд салоҳият ва ундан самарали фойдаланиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, Тошкент вило-яти хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун энг қулай ҳудуд. Барча шаҳар ва туманларда етарли салоҳият мавжуд.

Асосий истеъмол бозорлари-га маҳсулот етказиб берадиган йўл инфратузилмаси ҳам яхши ривожланган.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти ҳокимининг 2019 йил 5 октябрдаги №733-сонли "Қаттиқ ва суёқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун янги тарифларни белгилаш тўғрисида"ги қарори имзоланди.



Унга кўра, 2019 йилнинг 1 ноябрь кунидан Тошкент вилояти "Тоза ҳудуд" ДУКнинг туман ва шаҳар филиаллари хизмат қилаётган ҳудудлардаги аҳолига 1 кишига 1 ойга 2 минг 800 сўм, қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш юридик ташкилотларга 1 м³ учун (ҚҚСсиз) – 44 500 (ҚҚС билан 51 175) сўм;

– суёқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш юридик ташкилотларга 1 тонна учун (ҚҚСсиз) – 57 000 (ҚҚС билан 65 550) сўм этиб белгиланди.

Бундан Чирчиқ шаҳри мустасно.

■ Нишондорларимиз

«АҚЛИЙ ҲУЖУМ» БОЛАЛАРНИ ЧАРХЛАЙДИ

Янгийўллик Дилафруз Давидовани кўпчилик билади ва ҳурмат қилади. Сабаби, у кўз нури, қалб кўри, бутун борлигини болаларга билим беришга бахш этиб келаётган ўқитувчилардан.

Д. Давидова 15 йилдан бери Янгийўл шаҳридаги 1-умумтаълим мактабида кимё фанидан сабоқ бериб келмоқда. Иш фаолияти давомида ўқувчиларни фанга қизиқтириш учун турли усуллардан фойдаланади. Жум-

сўнги йилларда соҳада бўлаётган инновацион янгиланган қўллаган ҳолда ўқувчилар билан "Ақлий ҳужум" методи бўйича ишламоқда. Бу усулда боланинг фикрлаш қобилияти ошади. Унинг шогирдлари қатор фан олимпиадаси ва "Билимлар беллашуви" танловларида муносиб қатнашиб, фахрли ўринларни олишяпти.



Педагоглар оиласида вояга етган Дилафруз болалигиданок ўқитувчи бўлишга аҳд қилган. Тақдирни қарангки, у педагоглар оиласига келин бўлиб тушади. Оилавий муҳит ҳам унинг ўз фанини етук мутахассиси бўлиб етишишида муҳим

аҳамият касб этган.

Дилафруз опа шаҳардаги кимё фани ўқитувчилари орасида ҳам юқори малакаси, ташаббускорлиги ва билими билан ажралиб туради. Шу

сабабли, ҳозирда кимё фани бўйича ҳудуддаги "Маҳорат мактаби"нинг раҳбари сифатида ўз билганларини ҳамкасблари билан ўртоқлашади.

Дилафруз Давидованинг кўп йиллик меҳнатлари муносиб рағбатланган. Яъни, у Президентимизнинг жорий йил 27 сентябрдаги "Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ҳодимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида кўра "Шухрат" медали билан тақдирланди.

– Камтарона меҳнатим эътироф этилиб, мукофотга лойиқ қўрилганимдан жуда хурсандман, – дейди Дилафруз Давидова. – Бу мукофот зиммамга катта масъулият юклайди. Мақсадим – илмий ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш. Ҳозирги ёшлар жуда талабчан, янгиланганга ўч. Улар берган саволларга тезда ва аниқ жавоб қайтариш учун, янгиланган доимо хабардор бўлиб боришимиз, ўз устимизда тинимсиз ишлаб, малакамизни оширишимиз керак.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Аброр ЭСОНОВ
олган сурат

КЎНГИЛ ЗИЁРАТИ

Раъно Утегенова қарийб 30 йилдан бери Тошкент тумани ижтимоий таъминот бўлимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг асосий вазифаси туманда истикомат қилувчи ёлғиз қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам кўрсатишдан иборат.

■ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Тумандаги 46 нафар ёлғиз қарияга бўлимининг 7 нафар ижтимоий хизматчиси бириктирилган. Улар ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олишади, уй-жойларига қараб, бозор-учарини қилишда ёрдам беришади.

Жорий йилнинг шу даврига қадар ногиронлиги бўлган 92 нафар фуқарога 201 та протез буюмлар, шунингдек, 43 та аравача етказиб берилди. 229 нафар ногиронлиги бўлган фуқарога республикамиздаги сийхатҳоҳларда ўзлари учун мақбул муддатларда даволаниб, саломатликларини



тиклашлари учун бепул йўлланмалар берилди.

– Кексалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ёрдам берсак, бундан, энг аввало, ўзимиз қувонамиз, – дейди Р. Утегенова.

Аллома АЗИЗОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири

■ Ижтимоий эълон

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион (www.e-auction.uz) савдоларига таклиф этади.

Электрон онлайн очик аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

№	№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сақловчи	Объектнинг (шақлланган) сотиш қиймати (сўм ва фонз кўриниши)
Ангрен шаҳри					
1	1	74-сонли болалар боғчаси	Ангрен шаҳри, Нуробод кўрғони	Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси	1 285 805 000,00
2	2	Музқаймоқ кафеси (қурилиши тугалланмаган бино)	Ангрен шаҳри, Нуробод кўрғони	Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси	556 790 000,00
3	3	Омонат жамғармаси (қурилиши тугалланмаган бино)	Ангрен шаҳри, Нуробод кўрғони	Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси	864 322 000
Оҳангарон тумани					
4	1	Чилангарлик базиси ва механизмлар сақлаш айвони	Оҳангарон тумани, "Ёнарлик" МФЙ	Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси	990 178 000,00
5	2	Маиший биналар, омборхона ва айвон	Оҳангарон тумани, "Ёнарлик" МФЙ	Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси	636 319 000,00

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича гоилик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2019 йил 28 октябрдан бошлаб объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб ҳар 10 кун муддатда соат 9:00 дан 18:00 гача ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча

маълумотларни www.e-auction.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

Мурожаат учун манзил: 111503, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Қумовул ҚФЙ, Паркенттракт кўчаси, 15-й.

Маълумот учун телефон: (71) 230-34-80.

E-mail: toshvil@davaktiv.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.davaktiv.uz.

Лекин, вилоятда аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми республика бўйича ўртача кўрсаткичдан кам. Вилоят саноатида ҳудудий корхоналар улуши атиги 15 фоизни ташкил этмоқда. Бўка, Окқўрғон, Оҳангарон, Паркент, Пискент, Куйичирчиқ каби туманларда саноат анчайин орқада қолган.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи давомида 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган 40 триллион 300 миллиард сўмлик 800 га яқин лойиҳадан иборат дастур ишлаб чиқилган эди. Шундан 300 дан зиёди саноат соҳасидадир.

Шунингдек, бу борада резервлар

Муҳим жиҳати шундаки, вилоят саноатини ривожлантириш бўйича таклиф этилган лойиҳаларнинг 60 фоизи инфратузилмаси мавжуд, лекин бўш турган объектлар ва ер майдонларига жойлаштирилди.

Масалан, биргина Янгийўл туманида 250 гектар ер ва 350 минг квадрат метр майдонга эга биналар, Янгийўл шаҳрида 64 гектар ер ва 136 минг квадрат метр иншоотлар бўш тургани аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 21 июнда қабул қилинган "Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

ташкilotлари томонидан лойиҳа қиймати қарийб 22,5 миллион доллар бўлган қатор инвестиция, Жанубий Кореянинг "BK Medicare" масъулияти чекланган жамияти томонидан лойиҳа қиймати 5 миллион 490 минг долларни ташкил этувчи фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилади. Бундан ташқари, "Korea System" МЧЖ томонидан энгил автомашиналар учун эҳтиёт қисмлар, "Namgang" МЧЖ томонидан қадоқлаш кутилари, "Hanra Steel" ва "BK Chemical" МЧЖлари томонидан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, ноанъанавий ўсимлик

салоҳиятини ривожлантириш дастури маъқулланди.

Дастурга мувофиқ саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари 1,7 бараварга, экспорт ҳажми 1,4 бараварга ошади ҳамда 49 мингдан ортиқ доимий иш ўринлари ташкил этилади.

Беш ташаббус – беш имкон

Маълумки, Президентимиз ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди.

Ҳурматли тadbirkorлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (95) 534-80-10 рақамли Ишонч телефони-га судлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

қамли технологиялар ўқув маркази ёшларнинг, умуман, аҳолининг компьютер савдоҳонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, туманда "Китоб қарвони" тadbirkorлари ташкил этилиб, 20 мингдан зиёд бадий китоб аҳоли, жумладан, ёшларга совға қилинди. 5 та маҳалла кутубхонаси ташкил этилди.

Қолаверса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида "Бўстон", "Чавлисой", "Рамадон", "Катта Ровот" маҳаллаларининг ҳар бирида 300 иш ўрнига эга 4 та тикувчилик корхонаси барпо этилиб, 1 минг 200 дан зиёд хотин-қиз ишли бўлди.

Дарвоқе, Ўртбошимизнинг жорий йилнинг июнь ойидаги ташрифида бўқалик ёш шоира Фазилат Ёкубова беш ташаббусга бағишланган шеърини ўқиб берганидан хабарингиз бор. Ўша онда давлатимиз раҳбари қизига яхши таълим-тарбия, ижодий муҳит яратиш бергани учун Фазилатнинг отасига автомобиль совға қилди. Уйда кутубхона очиб берилишини айтди. Мустақиллик байрами арафасида "Фазилатхон" кутубхонаси тантанали равишда очилди.

Дарҳақиқат, пойтахт вилояти бугун катта ўзгаришлар майдонида айланиб, ҳудудга янги ҳаёт нафаси кириб келмоқда. Вилоят юраги Нурафшондан тортиб, бошқа барча туман ва шаҳарлардаги янгиланганлар замондошларимизнинг ҳаётига қувонч ва фаровонлик олиб кирмоқда. Бу, албатта, Ўртбошимизнинг "Одамлар эртага эмас, бугун яхши яшаши керак", деган эзгу тамойили асосида олиб борилаётган ислохотларнинг амалий натижасидир.

Муроджон НОСИРОВ,
Тошкент вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси

Огоҳ

■ бўлинг!

Жойларда юз бераётган ёнғин ҳодисалари асосан бепарволик, электр ускуналарининг яроқсизлиги, иситиш печлари мўриси-сининг тозаланмаганлиги, ёш болаларнинг олов билан ўйнаши натижасида келиб чиқмоқда. Бепарволик, масъулиятсизлик, хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслик туфайли моддий ва маънавий зарар кўрилмоқда.

ОФАТНИ
ЖИЛОВЛАШ
ЎЗИМИЗГА
БОҒЛИҚ

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳодимлари томонидан ёнғиннинг олдини олиш, уларда инсонлар ҳалок бўлишига йўл қўймаслик борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида, саноат корхоналарида, билим



юртлари, мактаб, боғча ва аҳоли тураржойларида режали текширувлар ўтказилмоқда, фуқаролар билан учрашувлар, суҳбатлар уюштирилиб, радио, телевидение ва газеталар орқали чиқишлар қилинмоқда.

Агарда, бу ишга кенг жамоатчилик ҳам эътиборни қучайтирса, ёнғинлар янада камайган бўларди. Жумладан, маҳаллаларда фаоллар ёнғин хавфсизлигига доир тушунтириш ишлари олиб борса, ёнғин хавфсизлиги бурчақлари ташкил этилса, ширкатлар ўз ҳудудида сув ҳовузлиари курс, ободонлаштириш бўлими-лари йўлларнинг соғлигини таъминласа, мавжуд тўсиқларни бартараф этса, хонадонларга ноқонуний равишда газ қувурлари, электр симлари тортилишининг олди олинса, соҳа ҳодимларига катта ёрдам бўларди.

Мурод Йўлдошев,
ЕХБ инспектори

ҲАЁТБАХШ НАТИЖАЛАРИ



қўплигидан келиб чиқиб, ҳудудлар саноатини комплекс ривожлантириш бўйича ишчи гуруҳ томонидан яна 310 та қўшимча лойиҳа шакллантирилди.

Кези келганда айтиш лозимки, вилоятда 2019-2022 йилларда умумий қиймати қарийб 51 триллион сўм бўлган 636 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Ушбу лойиҳалар доирасида 4,2 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш орқали саноат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қарийб 2, аҳоли даромадларини 2,1 баробар ошириш кўзда тутилган. Бу 51 мингдан ортиқ доимий иш жойи ташкил этиш имконини беради.




тўғрисида"ги Қарори саноат зоналари шароитларини яхшилаш, мавжуд камчиликларни бартараф этишда дастуриламал бўлмоқда.

Бу қарор барча ҳудудлардаги сингари, вилоятимиздаги кичик саноат зоналари учун ҳам аини мудо бўлди. Бундан фойдаланиб, вилоятда саноатни изчил ривожлантириш, бўш объектлар негизда янги қувватларни ишга тушириш бўйича вазифалар белгилаб олинди. Мазкур вазифалар ижроси юзасидан жойларда амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Янгийўл шаҳрида ташкил этилаётган "Янгсан саноат зонаси"ни оилалик. Маълумотларга кўра, бу ерда Янгсан шаҳрининг йирик компания ва

мойларини қайта ишлаш ва бошқа шу каби қатор лойиҳалар амалга оширилади. 2019-2021 йилларга мўлжалланган мазкур хорижий инвестиция лойиҳалари тўлиқ амалга оширилиши билан "Янгсан саноат зонаси"да 200 га яқин янги иш ўрни яратилади.

Муҳим янгиланган яна бири жорий йилнинг 24 сентябрь кунини Вазирилар Маҳкамасининг "2019-2020 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан 2019-2020 йилларда Тошкент вилоятининг саноат



Мазкур ташаббусни ҳаётга жорий этиш бўйича Бўка тумани намуна қилиб олинди. Бу бўқаликлар ҳаётига том маънода янги давр руҳини олиб кирди.

Бўкада ҳар бир ташаббус доирасида қўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ёшларни санъатга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 280 га яқин тўғрақ ташкил этилди. Бир пайтлар тўхтаб қолган маданият марказлари, кутубхоналар фаолияти тикланди. Бундан ташқари, фарзандларимизни спортга кенгроқ жалб қилиш учун мактаблардаги спорт тўғрақлари 35 тадан 64 тага етказилди. Шу ўринда, туман марказида яқинда ташкил этилган Ра-

Мазкур қарор гидроэнергетика соҳаси ривожига устувор йўналишларни белгилаб берди. Бунда асосан, экологик соф қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг қўллаш ҳисобига янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва мавжудларини модернизация қилиш белгиланди. Йирик, ўрта, кичик ва микро-гидроэлектр станцияларини лойиҳалаштириш ва қуриш соҳасида замонавий, ҳар томонлама асосли илмий-техник ишларни жорий қилиш ҳамда шу асосда республикадаги энергетика баланси тузилмасидаги гидроэнергетик қувватлар улушини ошириш белгиланди.

Шунингдек, республика энергетика балансида қайта тикланадиган энергия манбалари миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш ва шу асосда экологик тоза генерация манбалари яратиш, мавжуд бўлган гидроэлектр станцияларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни асосий вазифа этиб қўйди. Бунинг учун халқаро тажрибани ҳисобга олиб, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, энергетика манбаларининг ўзаро мувофиқлик даражасини ошириш ва шунинг ҳисобидан аҳоли ва корхоналарнинг электр энергиясига бўлган талабини тўлиқ қондириш мақсад қилинди.

Ўзбек энергетикаси «қалдирғочи»

Мамлакатимизда гидроэнергетика соҳасида изчил ислохотларни амалга ошириш, йирик, ўрта ва микро-гидроэлектр станцияларини лойиҳалаштириш, янгиларини қуриш ва ишлаб турганларини модернизация қилиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Буни гидроэнергетика соҳасидаги бунёдкорлик ишлари ҳамда эришилаётган натижаларда ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, Тошкент воҳаси ҳудудидан ўтувчи қатор дарё ва каналларда кўлаб ГЭСлар қурилган. Улар орасида республикада энг йирик бўлган Чорвоқ ГЭСини (қуввати 600 минг кВт.) алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Бу ГЭСни қуриш жараёнида баландлиги 160 метрли тўғон ва катта сув омбори барпо этилди. Натижада, Чирчиқ дарёси водийсидаги экин майдонларини сув билан таъминлаш тубдан яхшиланди, 160 минг гектар янги ерларни сугориш имконияти туғилди. Чорвоқ ГЭСи ва сув омбори Чирчиқ-Бўзсув электр станциялари иш мароми яхшиланди.

Дарвоқе, Чирчиқ дарёсидан сув оладиган Бўзсувда "Кодирия электр станцияси"нинг ишга туширилиши ҳам соҳада катта воқеа бўлди. Яқинда эса "Кодирия ГЭСлар каскади" унитар корхонаси таркибидagi, умумий қуввати 13,2 мВт, бўлган гидроэлектр станция қайтадан бунёд этилди. Табиийки, ўтган давр мобайнида у ўзининг ишлаш қувватини йўқотиб, таъмирталаб бўлиб қолган эди. Президентимизнинг 2018 йил 4 январдаги 3461-сонли Қарори мазкур гидротехника иншооти фаолиятида янги даврни бошлаб берди. Гап шундаки, ушбу ҳужжатга мувофиқ, "Кодирия ГЭСлар каскади"ни (ГЭС-3) модернизация қилиш бўйича инвестициявий лойиҳа амалга оширилди.

"Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамиятининг ГЭС-3ни модернизациялаш лойиҳаси "Гидропроект" АЖнинг махалли мутахассислари томонидан ишлаб чиқилди. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари "Ўзбекгидроэнергоқурилиш" АЖ томонидан олиб борилди. Бу жараёнда зарур бўладиган жиҳозлар эса "Сувсаноатмаш" АЖ томонидан узлуksиз етказиб берилди. Ишлар жадал суръатларда, икки сменада давом эттирилди. Қарийб, 85 йилдан буён ишлаётган тўртта агрегатнинг қуввати янада такомиллаштирилди. Айни кезде мазкур иншоот вилоятимизнинг йирик сано-

Бошланғич 1-бета

ат корхоналари ва аҳолининг электр энергияга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда.

Барқарорликда барака бор

— Ҳозирги кунда ҳар қандай жамият ва давлатнинг ривожланиш кўрсаткичи унинг энергия билан қай даражада таъминланганлигига боғлиқ, — дейди "Кодирия ГЭСлар каскади" унитар корхонаси бош директори Учкун Мираҳмедов. — Сабаби, тараққий этган мамлакатларда фан-техника жуда тез суръатларда ривожланди. Бу эса энергия турларини ўйлаб топиш, энергия



Демографик ва статистик рақамлар шуни кўрсатадики, асризмизнинг охирига бориб Ер аҳолиси 12 миллиард кишини ташкил қилади. Ўша даврга бориб дунё аҳолисининг ҳар бирига тўғри келадиган энергия 20 кВт.ни (бу 7,312 мВт. энергия дегани) ташкил этади. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган энергия кўрсаткичи (АҚШ, Канада, Швеция, Германия, Франция ва Япония) 10 кВт.ни ташкил қилади (яъни 6 фойз). 22 фойз давлатда ишлаб чиқарилаётган энергия 7 кВт.ни, 72 фойз давлатда эса 2 кВт.ни ташкил этади.

кўлаб оғир ва енгил саноат заводлари барпо этилди, автоматик воситалар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш кескин ортди. Натижада, инсоният табиат ресурсларидан мисли кўрилмаган


ЭНЕРГОТЕЖАМКОРЛИК ҲАР БИРИМИЗ УЧУН МУҲИМ

ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ишлаб чиқарилган энергиядан тежамкорлик билан фойдаланишни тақозо этади.


Президентимизнинг Тошкент вилоятига ташрифи доирасида ва Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида гидроэнергетика соҳасига эътибори ва 2 та объектни мuddатидан олдин ишга тушириш бўйича билдирган фикрлари, шунингдек, Чирчиқ шах-

даражада кўп фойдалана бошлади. Эвазига эса турли саноат ва бошқа чиқиндилар билан унга зиён етказди. Буларнинг барчаси экологик барқарорликнинг бузилишига олиб келди. Амалга оширилаётган саноат харажатларга қарамай, табиатга зарар етказиш жараёни давом этмоқда.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг барча соҳаларда бўлганидек, ер ости ва ер усти бойликларимиз, табиий захирала-



вакда мавжуд техникавий потенциалнинг бор-йўғи 0,3 фойзидан фойдаланилмоқда, бу ҳам бўлса гидроэнергия ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистон дарёларининг техникавий потенциали 21 тВт. соат бўлиб, шундан кичик гидроэнергетика ҳиссаси 10,4 тВт. соатни ташкил этади. Умуман, дарёларимиз, сув ҳавзаларида умумий қуввати 5,8 гВт. соат бўлган 250 та ГЭС қуриш имкониятлари мавжуд. Ҳозир-



рига ташрифи давомида "Пском" ГЭСида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишиб, соҳа ходимлари зиммасига қўйган вазифаларни ишларимизга аниқ йўналиш берди. Иқтисодийликнинг рақобатдошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан электр ва энергия ресурслардан қанчалик тежамли фойдалана олишга боғлиқдир. Буни Жаҳон иқтисодий инқирози ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб, модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибига қўйганидан ҳам билиш мумкин.

Негаки, минг-минг йиллардан буён табиат ўзининг хилма-хил неъматлари билан инсоният эҳтиёжларини қондириб келади. Лекин, одамларнинг табиатга бўлган муносабати кундан-кунга салбий тус олиб бормоқда. Замонавий фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб, жуда

римиздан оқилона фойдаланишни белгилаб олди. Мамлакатимиз энергетикасини ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, намунавий энергия манбалари олиш муаммоларини ҳал этиш, қуёш, буғ, сув, шамол қувватидан электр энергия олиш, гидроэлектр станция, иссиқлик электр станцияларини бошқариш учун муҳандис-энергетик мутахассисларни тайёрлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергиянинг янги потенциали деярли 51 млрд. тонна эквивалентни ташкил этади. Унда гидроэнергиянинг ҳиссаси 9,2 млн. тонна қуёш энергияси 50 973 млн. тонна, Шамол энергияси 2,2 млн. тонна ва геотермал энергия ҳиссаси эса 0,2 млн. тоннадир. Умумий техникавий потенциал эса 179 млн. тоннани ташкил этади. Ҳозирги



вакда бу потенциалнинг еттидан бир қисмидан фойдаланилмоқда: 31 та ГЭС 1,7 гВт. қувват билан ишлаб, йилига 5,0-7,0 тВт. соат электр энергия ҳосил қилмоқда. Бу энергиялардан унумли фойдаланиш учун электр энергия узатишдаги асосий муаммолардан бири — энергия исрофининг сабабларини тушуниб олиш керак. Яъни, узатиш симларининг қаршилиги, уларнинг индуктив ва сигим қаршиликлари камайтириш мақсадлари ҳамда электр энергиясидан тўғри фойдаланиш фан-техника ривожланишида энергия танқислигининг олдини олиш, энергия захираларини тежаш дегани.

Саноатнинг ҳудудий жойлашиши энергетика базаларига боғлиқ. Электр энергияни кўп талаб қиладиган тармоқлар (рангли металлургия, кимё саноати тармоқлари)

Тижорат ҳуқуқи асосида

бу омил билан, айниқса, маҳкам боғланган. Электр қувватига катта эҳтиёж сезадиган саноат тармоқларини асосан қувват манбалари яқинида жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Чирчиқдаги азотли минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи, шунингдек, қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металл қотишмалари комбинатларининг "Чирчиқ-Бўзсув ГЭСлари каскади" яқинида жойлаштирилганлиги бежиз эмас.

Бугуннинг муҳим талаби

Энергия тежамкорлиги ва самарадорлиги борасида гап кетганда, Базирилар Маҳкамасининг 2015 йил 9 апрелдаги "Республикада сотиладиган маиший электр приборларини, янгидан қуриладиган бинолар ва иншоотларни энергетика жиҳатидан мажбурий маркировкалаш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорига алоҳида тўхталиш зарур.

Унга кўра, четдан олиб келинаётган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган маиший электр асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг техник ҳужжатларида, маркировкаси ва ёрлиқларида энергия самарадорлигининг тегишли (класс) синфи тўғрисидаги маълумот бўлиши шартлиги белгиланган бўлиб, бундан ташқари, мазкур қарор билан маиший электр асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг энергия самарадорлиги синфларини аниқлаш учун "А", "В", "С", "D", "E", "F", "G" белгилари жорий этилди. Бунда "А" синфи энергия самарадорлиги энг юқори бўлган маиший электр жиҳозларини белгилаш учун ва тегишли равишда "G" синфи эса энергия самарадорлиги энг паст бўлган маиший техника жиҳозларини белгилаш учун қўлланади. Ушбу ҳуқуқат қарори билан энергия самарадорлиги паст бўлган "G" синфига мансуб электр жиҳоз ва ускуналарнинг четдан олиб кириш ва сотиш босқичма-босқич тақиқланади.

Электр энергия ресурсларидан самарали фойдаланишни билиш кундалик ҳаётимизда ҳам жуда муҳим. Ҳар биримиз уйга келишимиз билан беихтиёр чироқни ёқамиз. Хонадонимизда мавжуд электр асбобларидан фойдаланган ҳолда дам оламиз, уй юмушларини бажарамиз. Мазкур қулайликларни яратиш, шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг узлуksиз ишлаб туриши учун "Ўзбекгидроэнерго" АЖ (2017 йил 18 майда Президент қарорига асосан ташкил этилган) тизимида айни кезде 4 мингга яқин ходим кечаю-кундуз тинимсиз меҳнат қилмоқда. Улар электр энергияси ишлаб чиқариш, уни тармоқлар бўйлаб истеъмолчиларга етказиб бериш билан узлуksиз шўғулланишмоқда.

Инсоният тараққиётида жуда катта аҳамиятга эга бўлган, кашф этилганга 150 йилдан зиёд вақт ўтган чўғланма лампалар бугунги кунда эскирди. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида бу анча олдин тан олинган ва сўнгги чўғланма лампаларни фойдаланишдан чиқариб юборишнинг самарали чоралари кўрилмоқда. Уларнинг ўрнига ёруғлик бериш қуввати юқори, энергия сарфи эса 5-6 баробар кам ҳамда яроқлилик мuddати узок бўлган тежамкор лампалар ўрнатилмоқда.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Тошкент вилоятида 500 мингга яқин маиший истеъмолчи бор. Ҳисоб-китобларга кўра, агар ҳар бир оилда иккита 100 Вт.ли чўғланма лампа, қуввати 15-20 Вт.ли энерготежамкор лампага алмаштирилса, Кодирия ГЭСнинг бир кунлик қувватига тенг электр энергия тежалар экан...

Маъмуржон ҚИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

АДАБИЁТ ЗИЁСИ – КЎНГИЛ ЗИЁСИ

Паркент туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабида ўзининг бетакдор шеърларида халқнинг дарди, қувончу шодликларини, она юртга муҳаббат, садоқат ва фидойилик туйғуларини тараннум этувчи Ўзбекистон халқ шоири, "Адабиёт зиёси" газетаси бош муҳаррири Маҳмуд Тоир билан учрашув бўлиб ўтди.

Нафис мажлислар



Учрашувда тумандаги мактабларнинг она тили ва адабиёт фани муаллимлари, ҳаваскор ижодкорлар, юқори синф ўқувчилари иштирок эттишти.

Тадбирда мактаб директори Т. Абдуғафоров

шоир ижоди ҳақида сўз юритди. Сўнгра шоир ҳаёти ва ижодига боғлиқ видеолавҳалар намойиш этилди. Шоирнинг шеърларига басталанган кўшиқларни ўқувчилар жонли ижрода қуйлаб беришди. "Адабиёт зиёси – кўнғил зиёси" мавзусидаги маърифий тадбир ҳаяжонли, кўнғилга хуш ёқувчи лаҳзалар билан давом этди. "Яхши шеър кўнғил мулкидир", дейишганидек, шоир ўқиган шеърлар иштирокчиларни завқлантирди.

— Сўз айтмоқда чоғланган қалам соҳибиди дунё зийнатига эмас, олам ҳикматига суянамоғи лозим, — дейди Маҳмуд Тоир. — Демак, аср-

лар оша олим ҳикмат, эзгулик, меҳру маърифат яшаб келадиган экан, биздан келгуси авлодларга қоладигани ҳис ана шу. Бунинг учун юртнинг шоир ва ёзувчиси тинчлик, дўстлик, биродарлик жарчисига айланмоғи, Ватан қадрига қалқон бўлмоғи, дилларда ишонч, меҳру муҳаббат уйғотмоғи керак.

Одамлар кўзига қараб шеър ўқишнинг ҳам гаши борлигини тадбир давомида ҳис қилдик. Ўша лаҳзаларда иштирокчиларнинг юз-кўзларида шеърини завқини, муҳлисик гаши тини пайқадик.

Дилфуза МИРОБИДОВА,
"Паркент тоғи" газетаси
бош муҳаррири

Эҳтиром

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг вилоятимизда жойлашган бўлинимасида "Ибрат ва ҳикмат мактаби" номли маърифий тадбир ўтказилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт намояндalари бўлган фахрийлар иштирок этишди.

ИБРАТ ВА ҲИҚМАТ МАКТАБИ

Тадбирда сўз олганлар, Ватанмиз равнақи, халқимиз фаровонлиги, фарзандларимиз камоллини ўйлаб амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар моҳиятини ҳар бир фуқаро онги ва қалбига етказишда кекса авлод вакиллариининг ўрни катта

эканлигини таъкидлашди.

Шу кун отаҳонлар ўз ҳаёт тажрибалари, бошларидан ўтказган ибратли воқеалардан сўзлаб беришди.

Шунингдек, тадбирда кекса авлод вакиллариининг давлат ва жамият ҳаётдаги ижтимоий фа-

оллигини ошириш, улар иштирокида маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш кераклиги айтиб ўтилди.

Тадбирда ёш рассомларнинг кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Ўз муҳбиримиз



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир

Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзилими:

111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги
офисими:

100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари:

Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:

Электрон почта: toshkenthqiqati@umail.uz /// th-th@inbox.ru

Телефонлар:

(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)

(71) 233-70-10

(71) 233-90-82

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Тошкент вилояти

Ахборот ва оммавий

коммуникациялар бошқармасида

2011 йил 12 январда 03-001 рақами

билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»

таҳририяти компьютер марказида

териял ва Тоҳир Маҳмудўжасов

томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусаввир

Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ

Буюртма Г-1043. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 3 332 нусхада чоп этилди. ISSN 2010-9318.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.40. 1 2 3 4 5